

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.09.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ НУРИДДИН ҒОФУРОВИЧ

**КАРТОШКА ТУГНАКЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ МАШИНАСИНИНГ КОНСТРУКТИВ ВА
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НАМАНГАН – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Обидов Нуриддин Гофурович

Картошка туганаклари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда саралаш
машинасининг конструктив ва технологик параметрларини
асослаш..... 5

Обидов Нуриддин Гофурович

Обоснование конструктивных и технологических параметров
сортировочной машины с учетом показателей клубней
картофеля..... 23

Obidov Nuriddin Gofurovich

Justification of the design and technological parameters of the sorting
machine, taking into account the indicators of potato
tubers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.09.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ НУРИДДИН ҒОФУРОВИЧ

**КАРТОШКА ТУГНАКЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА САРАЛАШ МАШИНАСИНИНГ КОНСТРУКТИВ ВА
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НАМАНГАН – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Г2128 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.pammqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахадиров Гайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норчаев Даврон Рустамович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Темиров Сайдрахимхўжа Умарович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.90.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: pammqi_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48802 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: pammqi_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «08» ноябрь кuni тарқатилди (2022 йил «31» август даги № 30 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Н.Г.Байбобоев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

В.М.Турдалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

А.Х.Умурақов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илдиз мевали экинларни саралашда, жумладан картошка ҳосилига шикаст етказмасдан фракцияларга ажратиб саралаш ва қайта ишлашда ресурс ва энергиятежамкор технология ҳамда иш унуми юқори ва таннархи арзон техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунёда йилига 376,9 млн. тонна картошка етиштирилишини»¹ инобатга олсак, уларни қайта ишлашда қўлланиладиган машиналар конструкцияларини ишлаб чиқишда самарадорликка, сифат кўрсаткичларига ва саралаш аниқлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу жиҳатдан картошка туганакларини шикастламайдиган, иш унуми ва фракцияларга ажратиб саралаш аниқлиги юқори бўлган машиналар конструкцияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал суратлар билан ривожланиши натижасида, картошка ҳосилига қайта ишлов бериш жараёнларида қўлланиладиган техник воситаларнинг ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган янги авлодларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, картошка туганакларини кам шикастлаган ҳолда, юқори аниқликда фракцияларга ажратиб саралайдиган, кам энергия талаб қиладиган машиналар конструкцияларини яратиш ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини ва ишчи органларининг параметрларини асослаш бўйича, шунингдек замонавий техник воситаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали картошка ва шунга ўхшаш маҳсулотлар таннархини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, илдизмевали экинлар ҳосилларига қайта ишлов берадиган машиналарнинг тузилиши содда, кам материал ва энергия сарфлайдиган турларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикада картошка ҳосилини саралашда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ва юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан энергия ва ресурсларни тежаш билан бирга картошка туганакларини шикастлантirmасдан, аниқ саралайдиган машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси

¹<https://www.atlasbig.com/ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Картошка туганакларини саралаш машиналарини яратиш, уларнинг иш кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва параметрларини асослаш бўйича ҳорижда В.П.Горячкин, М.Е.Мацепуро, Г.Д.Петров, Н.Н.Колчин, А.А.Сорокин, Н.В.Бышов, Н.И.Верещагин, С.А.Плахов, П.Н.Волосевич, В.Ф.Гилванов, Е.Е.Орешин, С.П.Игнатов, А.Л.Шкляев, К.Л.Шкляев, Н.Н.Якутин, С.В.Заводнов, В.С.Бочкарев, О.В.Гордеев, В.М.Чаус, Н.В.Шабуров, Б.М.Юна, К.Вaganz ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Республикада картошкачилик техника воситалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари Н.Байбобоев, Р.Бойметов, Р.Норчаев, Д.Норчаев, А.Тўхтақўзиев, Р.Рустамов, Х.Шодмонов, Т.Худойбердиев, Г.Бахадиров, Б.Умаров ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Картошкани саралаш борасидаги изланишлар, техник-технологик ва конструктив ечимларнинг таҳлили картошкани саралаш жараёни ва техника воситаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш муаммоси тўла ҳал этилмаганлигини кўрсатади. Мазкур илмий иш ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар ва янги техника воситаларини яратиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасида қабул қилинган қарорлар ва режаларга мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг КА-3-015 «Совершенствование существующих и разработка новых ресурсосберегающих технических средств для возделывания картофеля» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади картошка туганакларини ташқи ўлчамларига кўра бир нечта фракцияларга ажратиш учун мўлжалланган такомиллашган саралаш юзасига ва юқори самарадорликка эга бўлган саралаш машинасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

картошка туганаклари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда саралаш машиналарининг конструктив ва технологик параметрларини асослашдаги муаммоларни таҳлил қилиш;

туганакларнинг ўлчам-массавий хоссалари ва туганакларини саралаш машинаси ишчи юзаси билан ўзаро таъсирлашиш жараёни ўрганиш;

саралаш машинасининг ишчи юзаси технологик параметрларини саралаш аниқлигига таъсирини ўрганиш;

картошка туганаклари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда барабанли саралаш машинасининг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш;

саралаш машинасининг туганакларни талаб даражасида сараланишини таъминлаш жараёнини ифодалайдиган аналитик боғланишлар ишлаб чиқиш;

саралаш машинасининг ишчи юзаси қияликлари, саралаш юзасининг ҳаракатланиш тезлигини саралаш аниқлигига ва самарадорлигига биргаликдаги таъсирини ўрганиш;

барабанли картошка туганакларини саралаш машинасида тажриба синовларини ўтказиш, машинанинг асосий ишчи қисмлари рационал параметрлари ҳамда режимларини асослаш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида картошка туганакларини шикаст етказмай саралайдиган барабанли машина ва унинг ишчи қисмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети саралаш машинаси ишчи юзаси билан картошка туганакларининг ўзаро таъсирлашиш жараёни, саралаш машинасининг асосий параметрларини ва картошка туганакларининг ўлчам-массавий хусусиятларини ифодалайдиган аналитик боғланишлар, машина деталлари параметрларини аниқлаш усуллари, машина параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда саралаш аниқлигининг ўзгариш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида бир қатор усуллардан, жумладан, назарий тадқиқотларда ишлаб чиқилган саралаш машинасининг ишчи қисмларини геометрик ва кинематик параметрларини асослашда назарий механика ва машина деталларининг ҳисоблаш усулларида, тажриба-синовларни ўтказишда технологик машиналарни синаш усулларида ҳамда натижаларга ишлов беришда математик режалаштириш усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

картошка туганакларини кам шикастлайдиган ва аниқлиги оширилган эластик тўр билан жиҳозланган барабанли саралаш машинасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

саралаш машинасининг туганакларни талаб даражасида сараланишини

таъминлаш жараёнини ифодалайдиган аналитик боғланишлар думалаб ишқаланиш коэффиценти ва картошканинг геометрик ўлчамларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

саралаш машинаси барабани диаметрини аниқлаш имконини берадиган боғланиш эластик тўрнинг эластиклиги ва картошка туганакларининг массаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

саралаш машинасининг ишчи юзаси қияликлари ва саралаш юзасининг ҳаракатланиш тезлигини саралаш аниқлигига биргаликдаги таъсирини ифодалайдиган регрессия тенгламалари олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

картошка туганакларини шикастлантирмасдан ташқи ўлчамларига кўра аниқ саралайдиган машина ишлаб чиқилган;

таклиф этилаётган картошка туганакларини фракцияларга ажратиб саралаш машинаси қўлланилганда туганаклар аниқ сараланиши билан бирга эксплуатацион сарф-харажатларнинг камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, картошка туганакларини ташқи ўлчамларига кўра фракцияларга ажратадиган саралаш машинаси ишчи қисмларининг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика ва назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, ишлаб чиқилган саралаш машинаси дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти картошка туганакларини ташқи ўлчамларига кўра фракцияларга ажратадиган машина ишчи қисмларининг талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машина картошка туганакларини саралашда қўлланилганда туганакларнинг шикастланишини камайтирган ҳолда сараланишнинг аниқ бўлишини таъминлаши, меҳнат сарфини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Картошка саралаш машинасини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

картошкани кам шикастлайдиган, энергия ва ресурстежамкор саралаш машинасининг техник ечимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган («Илдизмеваларни саралаш машинаси», № FAP 01733-2021 й.). Натижада, картошкани саралаш аниқлиги

юқори бўлган машинанинг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган картошкани саралаш машинаси Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги «Муқим ота баракали замин» ва «Музаффар фйзли ери» фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/023-3910-сон маълумотномаси). Натижада, бошқа конструкциядаги саралаш машиналарига қараганда туганакларининг сараланиш аниқлиги 10-15 фоизга оширишга, картошка туганакларининг шикастланиш даражаси 20,5-22,4 фоиздан 5,1-7,1 фоизга, меҳнат сарфи 20,0 фоизга ва эксплуатацион харажатларни 17,7 фоизга камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 1 та Scopus базасида, 3 та Халқаро конференцияларда, 9 та республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделига патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда картошкачилик техника воситалари, йиғиб олинган картошкага ишлов бериш технологияси ва техника воситалари, картошкани саралаш усуллари, картошкани саралашда ишлатиладиган машиналарнинг конструктив таҳлили келтирилган, картошка туганакларининг ўлчам-массавий хусусиятлари бўйича илгари олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «**Самарадорлиги юқори бўлган барабанли саралаш**

жихозининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг ишлаш жараёнини назарий тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида картошкани саралашда ишлатиладиган барабанли саралаш машиналарини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, ишлаб чиқиладиган картошка туганакларини саралашда ишлатиладиган машина конструкцияси ва ишчи қисмларининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашга доир тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар асосида картошка туганакларини ташқи ўлчамларига кўра фракцияларга ажратиш учун мўлжалланган, горизонтга нисбатан қия ҳолатда турли баландликларга ўрнатилган барабанларга тортилган, учлари туташган эгилувчан элементдан ташкил топган ишчи юзасига эга бўлган машинанинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди ва унинг техник ечимлари янгилигига Ўзбекистон Республикасининг № FAP 01733-2021 й. рақамли фойдали моделга патенти олинди.

Барабанли саралаш машинаси етакловчи барабан–1, етакланувчи барабан–2, турли ўлчамдаги ва квадрат шаклидаги туйнуклар–3 га эга бўлган тўр кўринишидаги учлари туташган эластик материал–4, барабанларни подшипниклар ёрдамида ўрнатиш учун таянчлар–5 ларни ўз ичига олади. Етакловчи барабан–1 га электродвигатель–6 ва редуктор–7 лардан тасмали узатма–8 орқали ҳаракат узатилади (1а, 1б-расмлар).



а) фронтал кўриниши

б) горизонтал кўриниши

1-расм. Таклиф қилинаётган машинанинг схемаси

Тадқиқотлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики картошкалар 95 % аниқликда фракцияларга ажратиб сараланиши учун саралаш юзасининг геометрик ўлчамлари, ҳажми ва материал сарфи жиҳатдан энг мос келадигани квадрат шаклдаги туйнуклардир. Унинг ўтказувчанлик коэффицентини қуйидагича ифодалаш мумкин

$$\lambda_{ш} = \frac{\pi}{3,45} = 0,91. \quad (1)$$

Демак, туйнук шаклини танлашда ўтказувчанлик коэффициенти юқори, тайёрланиш технологияси осон ва саралаш юзасининг мустахкамлиги юқори бўлган квадрат шаклини танлаб оламиз.


Тавсия этилган картошка туганакларини саралаш машинасининг асосий параметрлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: эластик тўрнинг чизиқли тезлиги, $V_{эм}$; эластик тўрнинг узунлиги $l_{эм}$ ва кенглиги, $B_{эм}$; барабан диаметри $D_б$ ва узунлиги, $l_б$; эластик тўрнинг қиялик бурчаклари, α ва β ; машинанинг қувват сарфи, N .

Юқорида санаб ўтилган параметрларни асослашда технологик жараёни сифатли бажарилишини инобатга олиб назарий жихатдан тадқиқ этамиз.

Технологик нуқтаи назардан қарасак сараланаётган картошка туганаклари барабан билан ўзаро таъсирлашишига йўл қўймаслик лозим. Бунда эластик тўрнинг тезлиги шундай бўлиши керакки катта диаметрли картошкалар тўр юзаси бўйлаб ҳаракатланиб саралаш юзасидан чиқиб кетишига улгуриши керак.

Картошканинг қия тўрли юзадаги ҳаракатини ўрганишда, тадқиқотларни соддалаштириш мақсадида картошканинг шаклини, биринчи яқинлашишда эллипсоид ва унинг кўндаланг кесим юзасини эллипс кўринишида деб қабул қилиб, 2-расмда келтирилган схемага кўра, картошкани саралагич тўрли юзасида ҳаракатланишини тадқиқ этамиз. Ундан кўринадики, картошка сараланиш жараёнида абцисса ўқи бўйлаб тўрли юза билан биргаликда $V_{эм}$ ҳамда тўрли юзанинг кўндаланг кесими бўйлаб V_k тезликлар билан ҳаракатланади, яъни унинг абсолют тезлиги қуйидагига тенг бўлади

$$\vec{V}_a = \vec{V}_{эм} + \vec{V}_k. \quad (2)$$




2-расм. Картошкани саралагич тўрли юзаси ҳаракатланишини тадқиқ этишга доир схема

Картошкани тўрли юзанинг кўндаланг кесими бўйлаб ҳаракатини 3-расмда келтирилган ҳисоб схемага асосан тадқиқ этамиз. 3-расмда келтирилган схемадаги кучлар орасидаги муносабатни қуйидагича ёзамиз

$$G_k \sin \beta - \frac{f_d G_k}{r} = m_k \bar{a}, \quad (3)$$

бунда G_k -картошканинг оғирлик кучи, N; N -нормал реакция кучи, N; $F_{к.иш}$ -ишқаланиш кучи, N; m_k -картошканинг массаси, kg; a -тезланиш, m/s^2 .



3-расм. Картошкани қия текисликдаги ҳаракатини тадқиқ этишга доир схема

(3) тенгаламани z ва y ўқларига проекциялаймиз, яъни y ўқи бўйича

$$m_k g \sin \beta - \frac{f_d m_k g}{r} = m_k \bar{a}, \quad (4)$$

z ўқи бўйича

$$-G_k \cos \beta + N = 0, \quad (5)$$

бунда β -кўндаланг текисликка нисбатан қиялик бурчаги, grad.

Картошкани тўрли юзада думалаб ҳаракатланишидаги ишқаланиш кучини қуйидагича ифодалаймиз

$$F_{к.иш}^d = \frac{f_d G_k}{r}, \quad (6)$$

бунда f_d -думалашдаги ишқаланиш коэффициентини, m; r -картошканинг радиуси, m.

Думалашдаги ишқаланиш кучини аниқловчи (6) тенгликни инобатга олиб, (4) ифодани қайтадан қуйидагича ёзамиз

$$g \sin \beta - \frac{f_d g}{r} = \bar{a}. \quad (7)$$

Назарий механикада келтирилганидек оғирлик кучи $G = m_k g$ эканлигини инобатга олсак, (8) ифодани қуйидагича ёзиш мумкин

$$m_k g \sin \beta - \frac{f_d m_k g}{r} = m_k \bar{a}. \quad (8)$$

(8) ифоданинг икки томонини m_k га бўлиб юбориб, a ни аниқлаймиз

$$g \sin \beta - \frac{f_d g}{r} = \bar{a}. \quad (9)$$

(9) ифодани интеграллаб картошкани тўрли юзанинг кўндаланг кесими бўйлаб думалаб ҳаракатланишидаги тезлигини аниқлаймиз

$$V_k = V_{k0} + \left(g \sin \beta - \frac{f_{\Delta} g}{r} \right) t, \quad (10)$$

бунда V_{k0} - картошка туганагининг бошланғич тезлиги, m/s; t - вақт, s.

(10) ифодани сонли ечимини олиш учун картошканинг ишқаланиш коэффициентларини тажриба усулида аниқлаб оламиз.

Тадқиқотлар натижалари ва параметрларнинг мавжуд қийматларига таяниб (10) ифоданинг сонли ечимини амалга оширамиз. Параметрларнинг қуйидаги қийматларини қабул қилиб оламиз: $V_{k0}=0,5$ m/s; $g=9,8$ m/s²; $\varphi=12\div 20^\circ$; $f_{\delta}=0,21\div 0,36$; $r=4$ cm; $t=1$ s.

(10) ифодани сонли ечимининг натижасига кўра, картошка туганаги саралаш юзанинг кўндаланг кесими бўйича тезлиги 1,5÷2,4 m/s гача бўлиши аниқланди. Технологик жараёни бажарилиш кетма-кетлигини инобатга олсак, у ҳолда картошка саралаш машинасига лентали конвейер ёрдамида етказиб берилади. Демак, картошка саралаш машинаси саралаш юзасига тушганда албатта бошланғич тезликка эга бўлади.

Саралаш машинаси саралаш юзасининг тезлигини (2) ва (10) тенгликлардан фойдаланиб қуйидагича ифодалаймиз

$$V_{\text{эт}} = V_a - V_{k0} - \left(g \sin \beta - \frac{f_{\Delta} g}{r} \right) t. \quad (11)$$

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда (11) ифодани сонли ечимини амалга ошириб, саралаш юзасининг тезлигини аниқлаймиз. Бунда параметрларнинг қуйидаги қийматларини қабул қилиб оламиз: $V_a \leq 3$ m/s; $V_{k0}=0,5$ m/s.

Ҳисоблашлар саралаш жараёнида картошка шикастланмаслиги учун саралаш юзасининг тезлиги 0,1-1 m/s оралиғида бўлиши лозим эканлигини кўрсатди.

Бир қатор тадқиқотларда саралаш юзасининг узунлиги 1,9 m гача оширилганда саралаш аниқлиги ва иш унуми юқори бўлганлиги такидлаб ўтилган. Шунга асосланиб, тадқиқотларимизда саралаш юзасининг узунлигини 2 m га тенг деб қабул қилиб оламиз.

Саралаш жараёнида картошка туганақлари саралаш юзасининг эни бўйича ўртасидан ҳаракат бошлашини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда тезликлар орасидаги муносабатни қуйидагича ифодалаш мумкин

$$V_c \leq \frac{V_k}{2}. \quad (12)$$

Юқоридаги ҳисоблашлар асосида саралаш юзасининг тезлигини $V_c=0,75\div 0,8$ m/s оралиғида қабул қилиб оламиз.

Демак, эластик тўрнинг қиялик бурчакларини технологик жараёни сифатли бажарилишини таъминлайдиган қийматларини танлаб олиш муҳим саналади. Шунинг учун картошка туганаги бошланғич тезликсиз эластик тўрнинг кўндаланг кесими бўйлаб $1,5 \div 1,6$ m/s тезлик билан ҳаракатланиши учун $\beta = 10 \div 15^\circ$ бўлиши лозим. α бурчак эса β бурчакдан кичик ёки унга тенг бўлиши керак.

Картошка туганакларини саралаш машиналаридаги технологик жараёнларда туганакларнинг ҳаракатлари турли хил юзалар бўйлаб содир бўлади. Бу юзалар текис доскалар ёки элақларнинг панжарали юзалари кўринишида бўлиши мумкин. Бундан ташқари туганакларнинг шакли жуда хилма – хил бўлганлиги сабабли уларнинг саралаш машиналарининг ишчи ва ёрдамчи юзалари бўйлаб ҳаракатлари табиатини олдиндан аниқлаш жуда қийин. Туганакларнинг картошка саралаш машиналари ишчи органлари билан ўзаро таъсирлашувининг тахлили шуни кўрсатадики, туганаклар юзалар бўйлаб ҳам сирпаниб, ҳам думалаб ҳаракатланиши мумкин. Картошка туганаклари уюмининг кўндаланг йўналишда ҳаракатланадиган қия юза бўйлаб ҳаракатланишини ўрганиш учун туганакларнинг текис юза ва панжаралар бўйлаб сирпаниб ва думалаб ҳаракатлана бошлаш қиялик бурчагини аниқлаш зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, картошка туганакларини турли юзаларда сирпаниш ва думалашдаги ишқаланиш коэффицентларини қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаймиз

$$f = tg\varphi. \quad (13)$$

Унга кўра, думалашдаги ишқаланиш коэффиценти $10 \div 20$ оралиғида бўлар экан.


Саралаш машинаси барабанининг диаметрини асослашда тасмали конвейрларни ҳисоблаш усулларида фойдаланамиз. Бунда барабан диаметрини тўғри танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, барабан диаметрининг ортиши билан эластик тўрнинг ишлаш шароити яхшиланади, лекин геометрик ўлчамлари ва массаси ортиб кетади. Шунинг учун барабан диаметрининг мақбул қийматини аниқлаш муҳим саналади.

Картошка саралаш машинаси барабани диаметрини қуйидаги тенглик орқали ифодалаймиз

$$D_0 \geq \frac{360 \cdot F_T}{B p_{\text{ўр}} \cdot \pi \cdot \eta \cdot \mu}, \quad (14)$$

бунда F_m -эластик тўрдаги таранглик кучи, N; B -эластик тўрнинг кенглиги, m; $p_{\text{ўр}}$ -сирпаниш ёйидаги эластик тўрни барабан юзасига берадиган ўртача босими, N/m²; η -қамраш бурчаги, grad; μ -илашиш коэффиценти.

4-расмда картошка саралаш машинаси барабани диаметрини аниқлашга доир схема келтирилган.



4-расм. Картошка саралаш машинаси барабани диаметрини аниқлашга доир схема

Таклиф этилаётган картошка саралаш машинаси белгиланган технологик жараённи сифатли бажариши учун эластик тўр маълум миқдорда таранг бўлиши лозим. Тарангликни тадқиқ этишда картошка саралаш машинасини икки шкивли узатишлар сони бирга тенг бўлган тасмали узатманинг хусусий ҳоли деб қараймиз (5-расм). Шунинг учун таранглик кучини қуйидагича ифодалаймиз

$$F_T = \frac{G \cdot \cos \alpha \cdot a}{4b} \frac{E \cdot A \cdot b^2}{a^2}, \quad (15)$$

бунда G -картошка туганаклари оғирлиги, N ; a -барабан таянчлари орасидаги масофа, m ; b -эластик тўрнинг эгилиш масофаси, m ; E -эластик тўрнинг чўзилишдаги эластиклик модули, N/m^2 ; A -эластик тўрнинг кўндаланг кесим юзаси, m^2 .

(15) ифодани инобатга олиб (14) тенгсизликни қуйидаги кўринишда ёзамиз

$$D_{\delta} \geq \frac{90 \cdot (G \cdot \cos \alpha \cdot a^3 - 4E \cdot b^3)}{b \cdot a^2 \cdot B \cdot P_{yp} \cdot \pi \cdot \eta \cdot \mu}. \quad (16)$$

(16) тенгсизликнинг сонли ечимини параметрларини қуйидаги қийматларини амалга оширамиз: $G=50 N$; $\alpha=10^\circ$; $a=2 m$; $E=5 \cdot 10^6 N/m^2$; $A=0,01 m^2$; $b=0,01 m$; $B=2 m$; $P_{yp}=7 \cdot 10^5 N/m^2$; $\mu=0,2$; $\eta=3,14$.

Ҳисоблаш натижаларига кўра саралаш машинаси диаметри $D_{\delta} \geq 304 mm$ бўлиши аниқланди. Шунинг учун саралаш машинаси диаметрини $300 mm$ деб қабул қиламиз.

Технологик жараёнларда қўлланиладиган ҳар қандай машиналарда энергиятежамкорлик муҳим омил саналади. Шу сабабли тадқиқ этилаётган картошка саралаш машинасининг қувват сарфини аниқлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Картошка саралаш машинасининг қувватини қуйидагича ифодалаймиз

$$N = M \cdot \omega, \quad (17)$$

бунда M -картошка саралаш машинаси валидаги бурувчи момент, Nm; ω - картошка саралаш машинаси барабанининг бурчак тезлиги, rad/s.

Ротацион машиналарда ишчи органларни ҳаракатга келтиришда айланма куч муҳим аҳамиятга эга. Ушбу айланма кучни қуйидагича ифодалаймиз

$$F_{\text{айл}} = \frac{2M}{D_6}, \quad (18)$$

бунда M -картошка саралаш машиналари валларидаги бурувчи момент, Nm; D_6 -барабан диаметри, m.


Айланма куч ва эластик тўрдаги таранглик кучи орасидаги муносабатни Эйлер формуласига кўра қуйидагича ифодалаш ҳам мумкин

$$F_{\text{айл}} = 2 \cdot F_T \frac{e^{f\eta-1}}{e^{f\eta+1}}, \quad (19)$$

бунда e -натурал лагориғм асоси; f -барабан ва эластик тўр орасидаги ишқаланиш коэффициентини; η -эластик тўрни барабандаги қамраш бурчаги, grad.

(17), (18) ва (19) ифодаларни инобатга олиб, (16) ифодани қуйидагича қайтадан ёзамиз

$$N = \left(\frac{G \cdot \cos \alpha \cdot a}{4b} - E \cdot A \cdot \frac{b^2}{a^2} \right) \cdot \left(\frac{e^{f\eta-1}}{e^{f\eta+1}} \right) D_6 \cdot \omega. \quad (20)$$



5-расм. Картошка саралаш машинасига таъсир этувчи кучлар

Агар барабанининг бурчак тезлиги

$$\omega_6 = \frac{V_c}{R_6}, \quad (21)$$


эканлигини инобатга олсак, у ҳолда (20) ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$N = \left(\frac{G \cdot \cos \alpha \cdot a}{4b} - E \cdot A \cdot \frac{b^2}{a^2} \right) \cdot \left(\frac{e^{f\eta-1}}{e^{f\eta+1}} \right) 2 \cdot V_c. \quad (22)$$

Талаб этиладиган қувватни аниқлаш учун (22) ифодани сонли ечимини параметрларини қуйидаги қийматларда амалга оширамиз: $G=50 \text{ N}$; $\alpha=180^\circ$; $a=2 \text{ m}$; $E=5 \cdot 10^5 \text{ N/m}^2$; $A=0,01 \text{ m}^2$; $b=0,01 \text{ m}$; $e=2,7$; $f=0,8$; $V_c=0,8 \text{ m/s}$; $\eta=3,14$.

(23) ифодани сонли ечими шуни кўрсатдики талаб этилган қувват $N=0,55 \text{ kVt}$ ни ташкил этар экан.

Ҳар қандай технологик машинани лойиҳалашда юритиш механизмларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Тавсия этилаётган саралаш машинасининг юритмаларини ҳисоблашда юқорида келтирилган параметрларни инобатга оламиз. Саралаш машинасининг кинематик схемаси 6-расмда келтирилган бўлиб, у қуйидагилардан иборат: 1- электродвигатель, 2-редуктор, 3-етакчи шкив, 4-тасма, 5-етакланувчи шкив, 6-етакчи барабан, 7-саралаш юзаси, 8-етакланувчи барабан.



6-расм. Саралаш машинасининг кинематик схемаси

Ўтказилган тадқиқотлар ва 6-расмда келтирилган схемага кўра двигателнинг талаб этган қувватини қуйидагича ифодаalayмиз


$$N_{\text{дв}} = \left(\frac{G \cdot \cos \alpha \cdot a}{4b} - E \cdot A \cdot \frac{b^2}{a^2} \right) \cdot \left(\frac{e^{f\eta-1}}{e^{f\eta+1}} \right) 2 \cdot V_c / \Phi_{\text{ч}} \cdot \Phi_{\text{т}}. \quad (23)$$

Саралаш машинаси $N=0,55 \text{ kVt}$ қувватни талаб этади. Лекин юритиш механизмларидаги йўқотишларни инобатга олсак сарф этиладиган қувват кўпроқ қийматда бўлиши лозим. Ушбу йўқотишларни червякли ва тасмали узатмаларни фойдали иш коэффициентлари ($\phi_{\text{ч}}=0,85$, $\phi_{\text{т}}=0,96$) ни инобатга олган ҳолда ҳисобласак, у ҳолда электродвигателнинг қуввати камида $0,67 \text{ kVt}$ бўлиши лозим экан.

Машинада барабанларнинг диаметри эластик тўрнинг диаметридан анча кичик бўлганлиги учун саралаш юзасидан самарали фойдаланилади, барабанлар турли баландликда ва горизонтга нисбатан қия қилиб ўрнатилганлиги туганакларни саралаш юзасидан ажралмаган ҳолатда ҳаракатланишига имкон беради ва туганаклар шикастланмасдан аниқ сараланади.

Ўтказилган таҳлиллар ва назарий тадқиқотларга асосланган ҳолда,

мавжуд саралаш машиналарининг камчиликларини ҳисобга юқори самарадорликка эга бўлган янги конструкциядаги машина тавсия этилмоқда (7-расм).




7-расм. Таклиф қилинган машинанинг компьютер дастурлари ёрдамида чизилган кўриниши

Диссертациянинг **“Тажриба тадқиқотларининг методикаси ва натижалари”** деб номланган учинчи бобида лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида тажрибалар ўтказиш дастури, саралаш машинаси параметрлари ва иш режимларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Бир омили экспериментни ўтказиш учун бир фракцияга оид 30 дона картошка туганаклари саралаш юзасига қўйилди. Ишчи юзанинг бўйлама қиялиги ва тезлиги ўрнатилди. Тажриба натижаси шуни кўрсатдики, тезлик $V=0,75$ m/s, кўндаланг қиялик эса 12° , бўйлама қиялик 12° бўлганда саралаш аниқлиги 86 % га тенг бўлди (8-расм).

Видеоёзувлар шуни кўрсатдики, саралаш юзасининг тезлиги 0,75 m/s бўлганда, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15° бўлганда ва кўндаланг қиялик 12° дан паст бўлганда туганакларнинг юқоридаги барабан томон ҳаракатлана бошлаши, 20° дан юқори бўлганда эса пастдаги барабан томон ҳаракатлана бошлаши кузатилди.

Саралаш юзасининг тезлиги 0,78 m/s, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15° бўлганда саралаш юзасининг кўндаланг қиялигига боғлиқлиги кўрилди. Графикдан кўришиб турибдики кўндаланг қиялик 15° бўлганда туганакларнинг сифатли сараланиши кузатилди, яъни 92 % ни ташкил қилди (9-расм).



8-расм. $\beta=12^\circ$, $V=0,75$ m/s бўлганда саралаш аниқлигининг кўндаланг қияликка боғлиқлиги




9-расм. $\beta=15^\circ$, $V=0,78$ m/s бўлганда саралаш аниқлигининг кўндаланг қияликка боғлиқлиги


Саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 18° , саралаш юзасининг кўндаланг қиялиги 22° бўлганда туганакларнинг саралаш сифати пасайиши кузатилди (10-расм).

Тажрибаларнинг кейинги босқичларида саралаш жараёни саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 18° бўлганда кўндаланг қиялик $14-22^\circ$ оралиғида ўзгартириб амалга оширилди.

Саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15° , кўндаланг қиялик 14° ва саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s бўлганда саралаш аниқлиги максимал қийматда, яъни 95 фоиз атрофида бўлди (11-расм).



10-расм. $\beta=18^\circ$, $V=0,8$ m/s бўлганда саралаш аниқлигининг кўндаланг қияликка боғлиқлиги



11-расм. $\beta=15^\circ$, $V=0,8$ m/s бўлганда саралаш аниқлигининг кўндаланг қияликка боғлиқлиги

Тасвирлар таҳлили шуни кўрсатадики, саралаш юзасининг қияликлари, тезлиги маълум қийматлардан ошиб ёки камайиб кетганда туганакларнинг саралаш юзаси бўйлаб нотекис траектория бўйлаб ҳаракатланиши ва сифатсиз сараланиши кузатилди. Тасвирга олишда ҳар бир фракцияга оид туганаклар саралаш юзасининг ўзининг ўлчамига мос қисмининг бошига киришидан бошланиб картошка

туйнуклардан тушиб саралангунча ёки саралаш юзасининг охирига етиб боргунча давом эттирилди.

Тасвирларга ишлов бериб шу нарса аниқландики, саралаш аниқлигига саралаш юзасининг қиялик бурчаклари, тезлиги алоҳида – алоҳида эмас, балки, учаласи бир вақтда, шунингдек ўзаро боғлиқ ҳолда таъсир кўрсатади. Бу параметрларнинг энг мақбул қийматлари назарий тадқиқотларда аниқланганидек, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15°, кўндаланг қиялиги 14° бўлганда саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s бўлганидир.

Юқорида келтирилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли тажрибаларга асосланиб белгиланган омилларни сатҳи ва ўзгариш оралиқларининг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш оралиғи ва сатҳи (эксперимент шароитлари)

Омилларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Омилларнинг белгиланиши	Ўзгариш оралиғи	Омиллар сатҳи		
				-1	0	+1
Саралаш юзасининг тезлиги	m/s	x_1	0.10	0,7	0,8	0,90
Саралаш юзасининг бўйлама қиялиги	градус	x_2	3	12	15	18
Саралаш юзасининг кўндаланг қиялиги	градус	x_3	4	10	14	18

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонини адекват тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

- картошка туганакларининг сараланиш аниқлиги бўйича (%)

$$y = 84,75 - 1,6x_1 - 1,2x_2 - 2,3x_3 - 5,75x_1^2 + 2,25x_1x_2 + 0,75x_1x_3 - 7,75x_2^2 + 2x_1x_3 + 7,75x_3^3. \quad (24)$$

Шундай қилиб, юқоридаги шартларнинг бажарилишини таъминловчи саралаш машинасининг мақбул параметрлари аниқланди: саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s; саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15°; саралаш юзасининг кўндаланг қиялиги 14°.

Омилларнинг бу қийматларида машинанинг саралаш аниқлиги мос равишда 95 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқилган саралаш машинасининг тажриба нусхаси 01.11.2021 дан 30.11.2021 гача бўлган даврда Фарғона вилояти Риштон туманидаги «Муқим ота баракали замин» ва «Музаффар фойзли ери» фермер

хўжаликлари далаларида 3.4–бўлимда ишлаб чиқилган методикага асосан синовдан ўтказилди. Машинанинг чидамлилигини ўрганиш учун ўтказилган тажрибалар давомида саралаш машинасида 10 тонна маҳсулот сараланганда машина ўзининг ҳолатини ўзгартирмади. Картошка туганакларини саралаш давомида шикастланиш кўрсаткичларини аниқлаш учун ўтказилган тажрибалар давомида картошка туганакларининг шикастланиш кўрсаткичлари 5 фоиздан ошмагани аниқланди.

Диссертациянинг «**Янги конструкциядаги саралаш машинасининг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобда картошка туганакларини саралаш машинасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Ишлаб чиқилган барабанли саралаш машинаси бошқа турдаги ва бошқа конструкциядаги саралаш машиналарига қараганда туганакларининг сараланиш аниқлиги 10-15 фоизга ошган ва картошка туганакларининг шикастланиш даражаси 20,5-22,4 фоиздан 5,1-7,1 фоизга, меҳнат сарфи 20,0 фоизга камайган. Эксплуатацион харажатлар 17,7 фоизга камайган.

ХУЛОСА

«Картошка туганаклари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда саралаш машинасининг конструктив ва технологик параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Картошка туганакларини саралаш усуллари ва техника воситалари конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истикболи ҳамда уларнинг конструкцияларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили картошка туганакларини аниқ саралайдиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Картошканинг турли навларида туганакларнинг геометрик шакллари ва ўлчам-масса кўрсаткичларини ўрганиш барабанли саралаш машинасидан фойдаланилганда самарали эканлигини асослаб берди.

3. Назарий тадқиқотлар натижасида картошканинг турли навларида туганакларни саралашда самарадорликни максимал даражага етказиш учун саралаш юзасинининг тезлиги 0,8 m/s, машина саралаш юзасига картошка уюмини узатиш тезлиги секундига 4,5 kg, сирпанишдаги ишқаланиш коэффициенти 30°, думалашдаги ишқаланиш коэффициенти 10÷20° оралиғида, машинанинг кўндаланг қиялиги 14° ва бўйлама қиялиги 15° бўлганда саралаш аниқлиги 95 фоизгача етишига эришиш мумкинлиги асослаб берилди.

4. Картошка ҳосили фракцияларга ажратилиб сараланганда туганакларни шикастланиш даражаси 20,5 фоиздан 5,4-7,1 фоизга камайишини таъминловчи саралаш машинасининг асосий параметрларини аниқлашнинг аналитик боғланишлари ишлаб чиқилди.

5. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида картошка туганаклари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда барабанли саралаш машинасининг

самарали конструкцияси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг («Илдимеваларни саралаш машинаси» № FAP 01733-2021 й.) фойдали моделга патенти олинди. Натижада картошкани аниқ саралайдиган саралаш машинасининг конструкцияси ишлаб чиқилди.

6. Математик режалаштириш усули орқали ўтказилган тадқиқотлар картошка туганагини сараланишига таъсир кўрсатувчи омиллар-саралаш юзасининг тезлиги 0,8 m/s, саралаш юзасининг бўйлама қиялиги 15°, саралаш юзасининг кўндаланг қиялиги 14° бўлганда фракцияларга ажратилиб саралаш аниқлиги 95 фоизни ташкил этди.

7. Такомиллаштирилган барабанли саралаш машинасини картошка туганакларини саралашда меҳнат сарфи 20,0 фоизга, эксплуатацион харажатлар эса 17,7 фоизга камайишига эришилди. Битта барабанли саралаш машинасидан олинадиган иқтисодий самарадорлик 16895775 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.09.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОБИДОВ НУРИДДИН ГОФУРОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ КОНСТРУКТИВНЫХ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ
ПАРАМЕТРОВ СОРТИРОВОЧНОЙ МАШИНЫ С УЧЕТОМ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ КЛУБНЕЙ КАРТОФЕЛЯ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НАМАНГАН – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/T2128.

Докторская диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.pamtpqi.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Бахадиров Гайрат Атаханович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Норчаев Даврон Рустамович доктор технических наук, старший научный сотрудник Темиров Сайдрахимхужа Умарович доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится 06 ноября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.09.2019.T.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: pamtpqi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер 11102). Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: pamtpqi_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан 08 ноября 2022 года
(Протокол рассылки № 30 « 31 » август 2022 года).



[Handwritten signatures of the officials listed below]

Н.Г.Байбобоев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

В.М.Турдалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

А.Х.Умурзаков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Ведущее место во всем мире занимает внедрение ресурсо- и энергосберегающих технологий, а также производство недорогих и высокопроизводительных технических средств для сортировки корнеплодов, в том числе, для бережной сортировки по фракциям и обработки картофеля. С учетом того, что «в мире выращивается 376,9 миллиона тонн картофеля за год»¹, особое внимание следует уделить разработке конструкций машин, используемых в процессе его обработки, с высокими показателями качества, эффективности и точности сортировки. В связи с этим все более важным становится использованию конструкций машин с высокой точностью фракционной сортировки картофеля без повреждения клубней.

В результате стремительного развития сельскохозяйственного машиностроения во всем мире осуществляются научно-исследовательские работы, направленные на создание нового поколения ресурсосберегающих, высокопроизводительных технических средств, применяемых в процессе переработки урожая картофеля. Особое внимание в данном направлении уделяется созданию энергоресурсосберегающих конструкций машин для фракционной сортировки картофеля с меньшей повреждаемостью клубней, но высокой точностью сортировки, обоснованию их технологических рабочих процессов и параметров рабочих органов, а также, снижению себестоимости картофеля и аналогичной продукции посредством широкого внедрения в производство современных технических средств. Вместе с тем, одной из важных задач является создание упрощенных типов экономически выгодных конструкций машин для переработки урожая корнеплодов.

В нашей Республике проводятся масштабные мероприятия по снижению трудо- и энергозатрат процесса сортировки урожая картофеля, экономии ресурсов и разработке высокоэффективной ресурсосберегающей техники и технологий. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены некоторые задачи, в частности, «...увеличение доходов фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, достижение ежегодного прироста сельского хозяйства не менее чем на 5%, специализировать районы на выращивание конкретных культур»². Одним из важных вопросов при решении этих задач, в том числе по энерго и ресурсосбережению, является техническая и технологическая модернизация машин точной сортировки без повреждения картофеля.

Данное диссертационное исследование в определенной мере способствует реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан за № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» от 23 октября 2019 года, и в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-4410 «О мерах по

¹ Бесценный дар земли в новом свете. Годовой обзор: Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных наций. – Рим, 2008.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой» от 31 июля 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Исследования по созданию машин для сортировки картофеля, исследования показателей их работы, а также обоснованию параметров проводили зарубежные исследователи А.А.Сорокин, Н.В.Бышов, Н.И.Верецагин, С.А.Плахов, П.Н.Волосевич, В.Ф.Гилванов, Е.Е.Орешин, С.П.Игнатов, А.Л.Шкляев, К.Л.Шкляев, Н.Н.Якутин, С.В.Заводнов, В.С.Бочкарев, О.В.Гордеев, В.П.Горячкин, М.Е.Мацепуро и другие.

